

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 13 ЯНВАРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 02 (550) • E-mail: adolat_gazeta@sarkor.uz

Ушбу сонда:

«ПАРРАНДА ГРИППИ» профилактика химоя курали	ТЕЛЕДАСТУРЛАР	РАШК, СЕВГИ ВА ИШОНЧ психолог маслаҳати
2	4	
САККИЗ ҚИРРАЛИ ЮЛДУЗ нимани аниглади?	ҚЎШНИНГИЗ ДУКОН ОЧМОҚЧИ сиз бунга розимисиз?	ТАЙСОН ТЕМУР СЕКУНДАНТИ бокс
3	5	6

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Аскарга имтиёз — касб ва ҳунарга рағбат



Олий Мажлисида



Кейинги йилларда Куролли Кучлар тизимида олиб борилаётган изил соҳотлар замонавий, профессионал армияни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тизимдаги бундай саъй-ҳаракатлар замирида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва муҳофаза кудратини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантириш каби улкан мақсад муҳим. Утган йилнинг 31 октябрида Президентимизнинг «Куролли Кучлар сафида муҳим ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори Ватанимиз ҳимоячиларига яратилган навбатдаги қулайлик ва имтиёзлар нишониси бўлди.

3 бетда ўқинг.

Ижроия қўмита йиғилиши

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унга партия Сийёсий Кенгаши котиби, Ижроқўм раиси ўринбосари Равшан Ҳайдаров раислик қилди. Кун тартибидagi биринчи масала — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Кенгашлари ва ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Илмом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида Сийёсий Кенгаш котиби Собир Турсунов маъруза қилди. У ўз сўзида давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бири қонун устуворлиги эканлигини, бинобарин, Асосий Қонунимиз юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг фаровон ҳаёти, тинчлиги ва тенглигини кафолатлашганини таъкидлади. Шунингдек, нотиқ ўз сўзида «Сиҳат-саломатлик йили» деб ном олган ўтган йилда амалга тадбиқ этилган кенг қўламли дастур ва тадбирлар ёрдамида тиббий соҳани янги

боққичга кўтаришга эришилгани ҳақида тўхтади. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда келажакдаги вазифаларни белгилаб олиш ва амалга ошириш лозимлиги айтиб ўтилди. Шундан сўнг Сийёсий Кенгаш котиби Равшан Ҳайдаров Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2006 йил иш режаси тўғрисида сўз юритди. Жумладан, нотиқ жойларда партиянинг мақсад ва мақсадини тарғиб қилувчи тадбирларни ўтказиш, ўқув семинарларни ташкил қилиш, электорат билан алоқани кучайтириш, кадрлар танлаш, кадрлар захирасини шакллантириш, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасидаги ишларни жонлантириш каби муҳим масалаларга эътибор қаратди. Ижроия Қўмита аъзолари иккала масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қўрилган масалалар бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
КЕНГАШЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ 13 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН
КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонун ижроси муҳокамаси

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
«Адолат» мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг Андижон вилоятидаги ижроси натижалари қўриб чиқилди.

Қўмита йиғилишида вилоятдаги мутасадди идоралар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар

ни яратиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, вилоятдаги тегишли идоралар томонидан солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлашда уларга маъмурий ҳуқуқий чораларни қўллашда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминланган. Шу билан бирга соҳада хали ечимини кутаётган камчиликлар ҳам талайгина. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини қўриб чиқишда процессуал талабларнинг бузилиши, ноқонуний жарима қўллаш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Масалан, ўтган йил

нинг 9 ойида прокурорлар томонидан 42 та ҳолат бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан протест киритилган. Адлия идораларининг тақдимномалари асосида 37 нафар ҳодим маъмурий жазо чораларини қўллаш жараёнида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилган учун интизомий жавобгарликка тортилган.

Йиғилишда соҳага доир маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари тўғрисида вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида етарли даражада тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида мазкур камчиликларни бартараф этиш ва қонунларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган тавсиялар берилди, қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги маърузасини қизгин муҳоама этди. Партия Юртбошимиз маърузасида кўтарилган масалаларни тўқис қўлаб-қувватлаб, билдирилган фикрлар ва мулоҳазаларини инсон, жамият ва давлат манфаатлари йўлидаги ўта долзарб вазифалар эканлигини эътироф этди.

Айниқса, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида юқори даражага кўтарилганлиги ва бу устувор принцип тарзида ҳаётимизга тадбиқ қилиниши ҳамда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва ҳуқуқларини чуқур аниқлаб олиши, уларнинг сиёсий савиясини юксалтириш ҳақидаги вазифалар «Адолат» социал-демократик партиясининг ўз Фаолият Дасту-

рида олдига қўйган вазифаларга мослиги эътиборга лойиққидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу каби ишларнинг ҳаммаси охир-оқибатда инсон учун, шу юрда яшаётган одамлар учун қилинаётир. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси айтиш принципларга содиқ қолиб, инсон манфаатларини энг олий қадрият сифатида ўз шиориغا айлантирган. Шу билан бирга, партия жамиятда адолат тамойилларининг барқарорлиги, ижтимоий адолат мезонларига тўлиқ риоя этилиши учун тинимсиз курашишни ўзининг бош мақсади қилиб қўйган.

Шу мақсад йўлида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва дунёқарашини шакллантириш учун мунтазам фаолият юритиш партияимизнинг ўзига хос белгиларидан биридир. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш масаласи бу ўринда ўта долзарб масала бўлиб, унга жиддий эътибор қаратиш ҳам партияимиз фаолиятининг ўзига хос жиҳатидир. Айни чоғда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари партия мафқурасининг ўзига хос бўлиши. Шу ўринда бизнинг партия давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган фикрларни тўла-тўқис маъқуллашди.

Шу билан бирга Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўзининг асосий йўналишлари деб билган ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада жадаллаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш ва такомиллаштириш, илм-фан, маданият соҳаларига эътиборни кучайтириш, аёлларни жамиятдаги ролини ошириш, ёшларга интеллектуал ва маънавий ривожланишда кенг имкониятлар яратиш чора тадбирларини кечиктирмай амалга оширишни лозим деб билади.

(Давоми 2-бетда)

Қарор ва ижро

Ишнинг кўзини билган ютади

Н. Аслоп,
журналист

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Туманда ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ширкатларнинг яқин дастурига айланган. Мазкур тузилма УМШларнинг фаолиятини яхшилаш, уларнинг уй-жойлар ҳамда улар атрофидаги ҳудудларни яхши ҳолатда сақлаш борасида маҳаллий ҳокимият органлари, эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга яқиндан кўмак бермоқда.

Тумандаги «Хумо юлдузи» уй-жой мулкдорлари ширкати дастлаб ўн та кўпқаватли уйга хизмат кўрсатар эди. Кейинчалик иш самарадорлигини ошириш мақсадида у икчамлаштирилди: уйлар сони еттига таққилланди, қайта ташкил этилди. Натижа чакки эмас, аҳолининг умумий мулкни сақлаш ва эксплуатация харажатларидан қарзи кескин камайди.

Ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий технологияларни тадбиқ қилиш ва назорат ўрнатиш мақсадида ширкат бошқаруви

мулкдорлар билан келишган ҳолда подъезд ва ертўлалардаги чироқлар, шунингдек, лифтлар учун сарф бўладиган электр энергиясини ҳисобга оладиган ўлчаш-чиқар ўрнатишга қарор қилди. Урбан институт Тошкент лойиҳаси томонидан ажратилган 2 минг доллар ва аҳолидан йиғилган 634 минг сўм маблағ эвазига ана шундай ҳисоблагичлар ўрнатилди.

— Илгарилари ширкатимиз умумий фойдаланиш жойларига сарф бўладиган электр энергияси учун бир ойда 185 минг сўм тўлаган бўлса, эндиликда ўртача 62 минг сўм атрофида маблағ сарфланяпти, — дейди УМШ бошқаруви раиси Р. Фаизиев. — Бошқача айтганда, ҳар ой ширкат аъзоларининг 123 минг сўм пули тежалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асосисиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймамаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини мустақил йиғиш таққиланиши белгилаб қўйилган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Хумо



«Хумо юлдузи» уй-жой мулкдорлари ширкатининг янги қурилган савдо шохобчасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдоси қизғин.

юлдузи» УМШ маъмурияти жойлашган ертўлада «Ипотека банк» Сирғали филиалининг 27-сонли шохобчаси ташкил этилди.

— Шохобчамиз етита уйда истиқомат қиладиган 580 хонадонга ва ширкат маъмуриятига хизмат кўрсатади, — дейди банк ходими Ф.Мусаева. — Бу ерда бир кунда аҳоли томонидан тўланган қарийб бир миллион сўмга яқин коммунал тўловларни қабул қилиб оламиз.

Бундай шохобчалар аҳолига қулайлик туғдириш билан бир қаторда, нақд пул маблағлари ноқонуний айланishiга чек қўйди. УМШ аъзолари ўртасида ўтказилаётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда. Бу бора-

Тадбиркор нима дейди?

Шартнома шартин бузилди бундан ким манфаатдору, ким...

Х.УМАРОВ,

«Талабалар ҳамкорлиги ва тадбиркорлиги» концерни раҳбари

Мамлакатимиз мустақиллик йиллари улкан қурилиш майдонига айланиб, кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Биз ҳам бу хайрли юмушга хисса қўшиш ниятида «Талабалар ҳамкорлиги ва тадбиркорлиги» концерни қошида қурилиш ташкилотини ташкил этдик. Қисқа вақт ичида пойтахтимиз ва пойтахт вилоятида кўпгина қурилиш ишларини бажаришга муваффақ бўлдик. Нопайимиз, самарали меҳнатимиз туғайли ташкилотимизнинг ҳам, ишчи-ҳодимларимизнинг ҳам моддий аҳоли кун сайин яхшиланиб бораёти. Бироқ, айрим ҳолларда ваколатли идораларнинг изололаган шартномаларга амал қилмаётгани боис сарсон-саргардон бўлиб қоляпти.

Гап шундаки, 2005 йилнинг 16 майида Олмалиқ шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмаси бошлиғи И.Утаев билан шаҳарнинг Алишер Навоий кўчасида жойлашган 5-уйи таъмирлаш учун шартнома имзоладик. Шартномада кўрсатилганидек, 15 миллион 273 минг 265 сўмлик қурилиш ишларини ўз вақтида утқаладик. Аммо буюртмачи ташкилот ва Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги турли баҳоналарни рўқча қилиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, 4 миллион 523 минг сўмлик кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлашни ҳозиргача пайсалга солиб келишмоқда. Айтишларича, вилоят молия бошқармаси 2004 йилдан 57 миллион 160 минг, 2005 йилдан эса 140 миллион сўм пул маблағларини шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмаси ҳисоб рақамига ўтказиб бериши керак, шундагина хизмат ҳақимизни олишиш мумкин эмиш.

Сурштириб билсак, бу ташкилотдан пулини ўз вақтида ололмаётган биз каби қурувчилар кўпчилигини ташкил қилар экан.

Хуллас, мана бир неча ойдири, ўз ҳақимизни талаб қилиб сарсон-саргардон бўляпти. Алалоқибат, ишчи-ҳодимларимиз ойлик маошларини кечик қилишга, янги замонавий асбоб-ускуналар харид қилишга имкониятимиз етмапти. Бу борада соҳага долзарб мутасаддилар бизга амалий ёрдам кўрсатишса, фойдадан холи бўлмасдик.

ТАҲРИРИЯТДАН: Тадбиркорнинг эътирозига аниқлик киритиш мақсадида Олмалиқ шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмасида бўлидик. Бу ердаги мутасаддилар бу эътироз ўринли эканлигини, ҳақиқатдан ҳам вилоят молия бошқармаси томонидан бюджет маблағлари ўз вақтида йўриқномалар асосида берилмаётганини рўқча қилишди. Вилоят молия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Мухтор Қайумов эса барча пул маблағлари ўз вақтида ўтказиб берилганлигини, Олмалиқ шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмаси раҳбарлари кўп қаватли уйларнинг таъмирлаш учун ажратилган пул маблағлари ҳақидаги қоғда ва йўриқномалардан умуман беҳабар эканлигини билдирди. Қўриб турганингиздек, ҳар бир идора раҳбарининг тадбиркорга хизмат ҳақини тўлашдан ҳимоя қила оладиган ўзига яраша важи бор. Айтинг-чи, ҳалол хизмат ҳақини ололмаётган тадбиркор энди қаерга борсин?!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ КЕНГАШЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУТСИЯСИ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши барчамизнинг эътиборига катта масъулият юклайди. Бу масъулият инсоний меҳр-оқибат туйғусидан келиб чиқиб ҳомийлик ҳаракатини кенг оммалаштириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришни ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган маърузаларда фаол қатнашишни талаб этади. Бу партияимиз олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Юқоридагиларни инобатда олган ҳолда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

а) Ҳар бир фуқаронинг сийёсий оғли ва дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий билим, онг ва маданиятини ошириш учун мунтазам фаолият юритиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш ва бунди партия мафкурасининг ўзати деб ҳисоблаш;

б) демократик жараёнларда фаол қатнашиб, ижтимоий ҳамкорлик асосида фаолият юритиш, айниқса Ўзбекистон ўзи белгилаб олган демократик ривожланиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини янада кенгрок тарғиб қилиш, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятлари ва Миллий истиклол ғояси тамойилларини аҳолига тўғри тушунириш, уларни ўқатиладиган тадбирларнинг асосий мавзуларидан бирига айлантириш;

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Қадрият ва эзгуликлар солномаси

Раҳмат АХМЕДОВ, Бухоро Давлат Тиббиёт институти ректори, «Адолат» СДП вилоят кенгаши биринчи котиби

Истиклол йилларида ўзбек халқининг миллий қадриятларини улуглаш ва ҳурмат қилиш, ҳар бир жараёнга халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиш орқали юртимизда миллий жиқслашув муҳити яратилди. Рости, 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши, халққа маъқул ва манзур бўлди, йилнинг бош шiori олдинги йиллар шодасига яна битта маржон бўлиб тизилди. Зеро, мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган бундай кенг қўламли тадбирларни ўз ичига олувчи оммавий ҳаракат ҳамма давлатларда ҳам анъана тусини олмаган. Меҳр-мурувват, саховат, хайр-эҳсон каби савоб ишлар азалдан халқимизнинг қон-қонига сингган хусусият. Бу хусусиятлар кишиларимизда янада ёрқинроқ намоён бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳомийлик халқимиз асрлар буйи ардоқлаб келган эзгу амал, миллий қадрият. Баҳодурдин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор валий каби тасавуф шайхлари, Алишер Навоийдек улуг шоир ва давлат арбоби ўз маблаглари ҳисобидан фақир-у камбағалларнинг фарзандларини ўқитганлар, шифохона, мадраса, кўпиклар қурдирганлар. Утмишда биз билган-билмаган бундай саховатли, олиҳиммат инсонлар жуда кўп бўлганлигига шубҳа йўқ. Истиклол даврида юртимизда шахс эркинлиги, мулкий дахлсизлик ҳуқуқи рўёбга чиққач, ўзига тўқ, катта мулкдорлар қатлами вужудга келдики, ҳозирги кунда улар орасида қўллаб саховатлеша, савобгарлари талайгина. Айниқса, ободончилик ва қурилиш ишларига ҳомийлик қилиш тадбиркорларимизнинг яхши анъанасига айланган. Биргина вилоятимиз мисолида айтадиган бўлсак, 1997 йилда Бухороий шарифнинг 2500 иллиги, 2002 йилда «Универсиада-2002» мусобақаларининг Бухорода ўтказилиши муносабати билан вилоят марказида қанчадан-қанча завороти қурилишлар амалга оширилди. Ҳозир ҳам бу ишлар давом этмоқда. Шаҳримиз кучалари кенгайиб, қундан-қун чирой очиб бормоқда. Бу ишларнинг салмоқли қисмини қоплашга ишбилармон ва саховатли тадбиркорларимиз ҳомийлик қилаётганлигини мамнуният билан эътироф этишимиз лозим. Бухоро Давлат тиббиёт институтида ҳозирги кун-

Партия кўзгуси

Худудий ташкилотларда

«Адолат» СДП Урганч туман Кенгаши ташаббуси билан саноат-транспорт касб-ҳунар коллежида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. «Ватанни севмоқ имондандир» деб номланган ушбу давра суҳбатида ҳарбий хизматчилар, коллеж ўқувчилари иштирок этди. Тадбирда туман партия Кенгаши биринчи котиби М.Норметова сузга чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимиз Куролли Кулариде олиб борилган иш-хотлар самараси тўғрисида суз юритди. Наманган вилоят партия Кенгаши Ҳомийлар ва шифокорлар йилини хайрли иш билан бошлади. Кенгашнинг биринчи котиби Комилжон Абдуллаев бошчилигидаги бир гуруҳ партия фаоллари Учқўрган туманидаги «Янгиер» қишлоқ фуқаролар йиғинига кетди, маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда истиқомат қилётган ногиронлар ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширишди, хайрия ёрдами кўрсатишди. Тошкент шаҳар Бектемир туман партия Кенгаши ва туман прокуратураси билан ҳамкорликда «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинлиги ва бурчлари» мавзусида тадбир ўтказилди. Тумандаги «Роҳат» маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда партия вакиллари, прокуратура ходимлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди. Қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтган йиғилиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Ҳамкорликда ҳикмат кўп

«Парранда гриппи»га қарши биргаликда курашмоқ лозим

А.Иванова, ЎА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматлари томонидан ўтказилаётган доимий мониторинг тадқиқотлари маълумотларига кўра, мамлакатимизда «парранда гриппи» билан касалланиш ҳоллари йўқ. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари ҳар кун турли давлатларда ушбу юқумли касалликнинг янги ўчоқлари пайдо бўлаётганини тўғрисида бонг урмоқда. ЎА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Бош санитария ва ветеринария кенгаши вакиллари билан суҳбат қилишди. Сўрашганимизга кўра, «парранда гриппи»дан ҳимоя қилиш имконини беради. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳозирги кунда қиш мавсумида ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп тарқалишининг олдини олишга оид ишлар кучайтирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида ушбу касалликларга қарши курашиш бўйича республика штаби кечаю кундуз ишлаб турибди. Бу каби тузилмалар вилоятларда ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолини эмлаш ишлари йўлга қўйилди ва бугунгача 250 минг нафардан ортиқ киши эмланди. Бу ишлар ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги мавсумда ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп билан касалланиш кенг тарқалгани йўқ. Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалиётчи шифокорлар учун «парранда гриппи»га ташхис қўйиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқди. Инфекцияга чалиниш ҳоллари таҳмин қилинганда қўшимча текширувлар ўтказилади ва бу 1,5-2 соат ичиде вирус хусусиятини аниқлаш имконини беради. Иккита асосий вирусология лабораторияси - Республика давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология институти хузурида ташкил этилган Грипп миллий маркази ушбу тадқиқотлар учун зарур бўлган тест-тизимлар билан жиҳозланди. Зарурат тугилса, барча худудий вирусология лабораториялари ҳам ана шундай реактивлар билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари қўшни мамлакатлар худуди билан кесилишган жойларда, шунингдек, аэропортлар ва темир йўл бекат-

ларида жойлашган 96 та санитария-назорат пунктнинг ҳаммаси аниқ тартибда ишламоқда. Бу пунктлар ходимлари республикамизга келаётган йўловчилар соғлигини назорат қилади ҳамда божхона хизматлари билан ҳамкорликда худудимизга ҳукумат қарорига биноан турли мамлакатлардан экспорт қилиниши вақтинча тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинишининг олдини олади. Шунингдек, ушбу касалликнинг мамлакатимизнинг паррандачилик саноати аҳолиимизни товуқ гушти ва ундан тайёрланган маҳсулот билан деярли тулқ таъминлай олади. Шу билан бирга, деҳқон бозорларида сотилаётган барча гушт ва сут маҳсулотлари ветеринария-санитария лабораториясида текширувдан ўтказилмоқда. Давлат санитария-эпидемиология нazorати хизмати «парранда гриппи»ни пайдо бўлишининг олдини олиш учун қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, Грипп миллий маркази мутахассислари Фанлар академиясининг Зоология институти билан биргаликда мунтазам равишда ёввойи сузувчи паррандаларни текширувдан ўтказиб турибди. Чунки, айнан ана шу қушлар асосий касаллик ташувчилар саналади. Амалиёт шуни кўрсатадики, инфекцияга қарши асосий ҳимоя «қуроли» - бу профилактикадир. Олдин санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинса, ҳар қандай юқумли касаллик, жумладан «парранда гриппи»нинг ҳам олдини олиш мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Ушбу касалликни юзасига келтирувчи вирус атроф-муҳитга ўта чидамсиз бўлиб, юқори ҳароратда тез ўлади. Шу боис парранда гуштини истеъмол қилишдан олдин уни яхшилаб қовуриш ёки қайнатиш тавсия этилади. Шунинг билан бир бор таъкидламоқчиман, мамлакатимизда «парранда гриппи» қайд этилмаган. Ушбу инфекциянинг худудимизга кириб келишининг олдини олиш учун барча керакли чоралар қўрилган. Бу ишда нафақат шифокорлар ва ветеринарлар, балки уй паррандасини боқадиган барча одамлар ҳам иштирок этиши лозим.

қарорларига мувофиқ, республикамиз худудига Россия, Қозоғистон, Болгария, Руминия ва Туркиядан тирик уй паррандаси, унинг гушти, туҳуми ва ундан тайёрланган маҳсулотларни олиб келиш вақтинча манъ этилган. Ушбу хавфли юқумли касаллик грипп касаллиги турига киритилгани бежиз эмас. Негаки, унинг қурилишлари қўллаб ўткир респираторли вирусли инфекциялар ва грипп касаллигига ўхшаб кетади. Айни пайтда касалликнинг клиник аломатлари яққол келиши имконини беради. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳозирги кунда қиш мавсумида ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп тарқалишининг олдини олишга оид ишлар кучайтирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида ушбу касалликларга қарши курашиш бўйича республика штаби кечаю кундуз ишлаб турибди. Бу каби тузилмалар вилоятларда ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолини эмлаш ишлари йўлга қўйилди ва бугунгача 250 минг нафардан ортиқ киши эмланди. Бу ишлар ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги мавсумда ўткир респираторли вирусли инфекция ва грипп билан касалланиш кенг тарқалгани йўқ. Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалиётчи шифокорлар учун «парранда гриппи»га ташхис қўйиш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқди. Инфекцияга чалиниш ҳоллари таҳмин қилинганда қўшимча текширувлар ўтказилади ва бу 1,5-2 соат ичиде вирус хусусиятини аниқлаш имконини беради. Иккита асосий вирусология лабораторияси - Республика давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология институти хузурида ташкил этилган Грипп миллий маркази ушбу тадқиқотлар учун зарур бўлган тест-тизимлар билан жиҳозланди. Зарурат тугилса, барча худудий вирусология лабораториялари ҳам ана шундай реактивлар билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари қўшни мамлакатлар худуди билан кесилишган жойларда, шунингдек, аэропортлар ва темир йўл бекат-



САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ИИБ ЁХБ. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан сўнги бир ой ичиде шаҳар ва туманлардаги 21720 та аҳоли турар жойлари, 175 та кўп қаватли уйларда ёнгин оқибатлари, унинг олдини олиш чоралари тўғрисида ўрашув, мулоқотлар ташкил этилди. Маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда 506 та газ тақсимлаш шохобчаси, 285 та электр узаткичи ҳолати назоратдан ўтказилди. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда хонадонларда, аҳоли гавжум жойларда, ўқув ва тарбия муассасаларида ёнгининг олдини олишга қаратилган тадбирларимиз ўзининг ижобий самарасини бераётган, дейди вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи Қобилжон Эргашев. - Натижада тилсиз ёв - ёнгин билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг содир бўлиши анчайин камайди.



Олимжон ҲАКИМОВ олган суратлар

Анжуман Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Қарши тиббиёт коллежиде «Адолат» СДП вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман Кенгашлари котиблари, партия фаоллари ҳамда вилоят «Нуроний» жамгармаси, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Пленумда вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Абдуқаҳор Аҳмедов Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби Дилором Тошмухамедованинг Умумпартия конференциясида маърузасида қўтарилган долзарб масалалар ҳамда Фаолият дастуридан келиб чиқадиган устивор вазифалар тўғрисида нутқ сузлади. Маърузада партиянинг бошланғич ташкилотлари, фаоллари олдида турган вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. «Адолат» ҳаётимизнинг бош мезонига айланиши учун, энг аввало, сийёсий партиялар, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамгармалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим, - деди нотик ўз маърузасида. - Биз ҳар томонлама етук, билимдон, партия ғояларини жуда яхши ўзлаштирган шахсларни сафларимизга қабул қилиб, халқ ичига кўпроқ кириб боришимиз зарур. Бунда янги Фаолият дастурида кўрсатилганидек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Анжуманда партия аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, партия бугинлари етакчилигига тажрибали кадрларни жамлаш, жамгармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Пленум ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдулла Абдуназаров ва Собир Турсунов иштирок этиб, фракциянинг Қонунчилик палатасидаги фаолияти хусусида йиғилганларга атофлича маълумот беришди. Пленум сўнгида халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб келаётган 13 нафар фуқаро партия сафига қабул қилинди, уларга партия билетлари топширилди.

Таҳриятга хат келди Умиднинг умиди рўёми?

Азиз АЛИМОВ, Мусулман фанрийси

Инсон кўнгли гулдек нозик. Шунинг учун ҳам кўнглини муқаддас Казбага қиёслашди. Уни илоҳи борица оғирмасликка, асраб-авайлашга ҳаракат қилишди. Бирок, баъзида айримлар бир кунлик хою-ҳавасни, арзимас мол-дунёни деб инсон кўнглини чилпарчин қилар экан. Катта оруз-умидлар билан қизим Рохибани турмушга бердим. Нолмайман, қувим Мамарасул қизим билан ҳавас қилса арзуулик ҳаёт кечиришди. Тақдир экан, уларнинг умрлари фарзанд доғида ўтди. Шундан кейин, 1993 йилнинг октябрида бизга суянчиқ бўлсин, эртага хонадонимиз чирогини ёқиб турсин, деган умид билан олти кунлик наорасида гуданки фарзандликка олишди. Барча оруз-умидларимиз рўёбга чиқсин деган эзгу мақсадда унга Умид деб исм қуйишди. Қўруғулини қаранг, ўша олти кунлик чақалоқ эндигина қадам босиб, икки ёшга етар-етмас қувим оғир хасталаниб ҳаётдан кўз юмди. Қизим бечора ҳам бу мусибатга дош бера олмай Умиджон 10 ёшга қадам қўйганида бу ёруғ оламни тарк этди. Мен ўзим ҳам бағрикенг, имон-этиқоиди бут одам қўлида етим ўстанман. Шундан бўлса керак, неварамнинг кўнгли ўқсимасин, бировлардан кам бўлмасин, дейман. Умиджон бугун 13 ёшга қадам қўйди. Мактабда ўқийди, соғлиғи - ҳамма-ҳаммаси жойида. Насиб этса, ҳадемай мактабни битириб, олий ўқув юртларида ўқийди, марҳум отанаси орузидаги касб-корга эга бўлади. Шуларни ўйлаб, Умиджон эртага ўйсиз-хойсиз қолмасин, деган ниёзда Оққўрган тумани «Ойтам-

гали» қишлоқ фуқаролар йиғини ва бошқа идоралардан керакли хужжатларни тўпладим. Бу орада қувимнинг акалари қалбаки хужжатлар асосида қувим ва қизим қурган уйни 1965 йилда вафот этган Шаҳри Раҳмонов (қувимнинг отаси) номига расмийлаштириб олишди. Уларнинг айтишича, энди Умиджонга ота-онасидан қолган иморатнинг бир қисми тегаркан, холос. Ахир, қишлоқ фуқаролар йиғини хўжалик китобида уйнинг 1988 йили қурилганилиги, уй қувим вафот этганидан кейин қизимнинг номига ўтганлиги, неварам Умиджон кам ўша ерда яшаётганилиги тўғрисида аниқ-тиниқ қилиб кўрсатиб қўйилган-ку! Қолаверса, «Ойтамгали» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси МА.Абубакиров 2005 йилнинг 30 июнида уй қувим М.Раҳмоновга тегишли эканлиги тўғрисида 5-сонли қарор қабул қилган. Туман ҳокими қарорига асос бўлган архив хужжатида 1958-1960 йилларда шу ердаги эски уйда яшаган фуқаролар тўғрисидаги маълумот берилган, холос. Халқимизда етим-есирнинг ҳақидан кўрк, деган огохлантурувчи, меҳр-муруватли бўлишга даъват этувчи ҳикмат бор. Ота-боболаримиз қадимдан бундай ахлоқий қадриятларга амал қилиб, кам бўлишмаган. Ҳали воғга етиб улгурмаган, ота-онасидан эрта жудо бўлган бир ўсмирнинг ҳақи, уйлайманки, бошқалар мулкига айланма кетмас. Маҳалла-қуй, мутасадди раҳбарлар боланинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга кўмаклашадилар. Ахир, маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг, деб бежизга айтилмаган. Саховатли, бағрикенг инсонлар, мутасадди ходимлар бизнинг бу тавшшимиз адолатли тарзда ечилишида четда турмайдилар, деб умид қиламиз.

ТАФАККУР

БАЛКИ ОДАМЛАРНИ ЎРГАНИШ ФОЙДАЛИДИР. Ларошфуко

Ҳақиқий мактаб

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига кўра, муддатли ҳарбий хизматга чақирилмаган фуқаролар 27 ёшга тулгунга қадар сафарбарлик чақируви резерви хизматида жалб этилади. Бу хизмат тури мамлакатимиз Куролли Кучлари захираси учун аскарлар тайёрлайди. Кейинги вақтда сафарбарлик чақируви резерви хизматини ўташ истагини билдираётган йигитлар сони кескин кўпайди. 2005 йил кузги чақирув давомида Қашқадарё вилоятидан етти минг нафарга яқин фуқаро сафарбарлик чақируви резерви хизмати йигитларида иштирок этди.

— Бир ойлик сафарбарлик чақируви резерви хизматини ўтаганларга хизмат якунида ҳарбий гувоҳнома берилди, — дейди ҳарбий қисм батальон командири Аслиддин Ҳақбердиев. — Қисмидаги аскарлар айна пайтда ҳарбий қасамд қабул қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

— Мен Қарши Давлат университетининг тарих факультетида тахсил олиб, бир неча ой туман агросаноат коллежида ўқитувчи бўлиб ишладим, — дейди нишонлик оддий аскар О.Чориев. — Бу ерда олий ўқув юртида олган билимларим қўл келяпти. Хизмат пайтида ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-техник, шунингдек, тактика,

разведка, алоқа, оммавий қиргин қуроллари муҳандислиги бўйича тайёргарликни ўтаб, бу соҳада анча билим ва тажрибага эга бўлдим. Назарий ва амалий машгулотлар замонавий ўқотар қуролларнинг тактик-техник тузилишини ўргандик.

Йигитларда асосий эътибор ҳарбий тайёргарлик дастурини ўзлаштириш, тартиб-интизомни қўйиштиришга қаратилмоқда. Бу ўз навбатида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, иродасини мустақкамлаш билан бир қаторда, ҳарбий соҳани мукаммал ўзлаштиришда ҳақиқий мактаб ва-зифасини ўтайди.

(ЎЗА)

Аскарга имтиёз — касб ва ҳунарга рағбат

Саодат ЖАББОРОВА суҳбатлашди.

(Боши 1-бетда)

Айнан мазкур қарор ва унинг моҳияти хусусида Мудофиа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси, "Адолат" СДП Фракцияси вакили Собир Турсунов билан мулоқотда бўлдик.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, қарорда белгиланган имтиёزلарни дунёнинг бошқа давлатларида учратиш қийин. Демак, ушбу қарор Ўзбекистон ешларига бўлган эътибор ва ишончнинг яна бир кўриниши. Қарорда муддатли ҳарбий хизматни тугатаётган ешларнинг рағбатлантирилиши, уларнинг ўқишни давом эттириши, юртимиз олий ўқув юртига ўқишга кириши учун имтиёз ва шарт-шароитлар яратиб бериш аниқ белгиланган. Жумладан, республика олий ўқув юртига киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда кўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол аъзоси бўлган талабага контракт суммасининг 35 фоизи миқдорда моддий ёрдам курсатиш тақлифи жаҳоннинг ҳеч бир давлатида қузатилмаган имкониятлардан ҳисобланади.

Албатта, ушбу қарор бежиз қабул қилинмади. Ёшларимизнинг юртни ҳимоя қилиши, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган эса ҳаётда ўз ўрнини топиш учун бирор касб, ҳунар эгаллашда ҳукуматнинг бундай йўналишларига жорий этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, қарорда тавсияномага эга бўлган, бироқ танлов давомида зарур баллни тўплай олмаган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишнинг педагогик, кишлоқ ҳўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида


қабул қилиниши ҳам назарда тутилган. Демак, ушбу қарор ҳарбий бурчини адо этган йигитларимизга ўзлари танлаган соҳани эгаллашда аҳамияти катта.

— Ушбу қарорга кўра нафақат мудофиа тизимида, балки таълим тизимида ҳам баъзи ўзгаришларни жорий этиш, хусусан ҳарбий хизматга қабирилувчиларнинг тест синови асосида саралаш ёки уларнинг соғлиги ва интеллектуал савиясини ҳолис ўрганиш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш каби янгиликларни йўлга қўйиш ҳам талаб этилар экан. Ҳўш, бу борада қандай амалий тадбирлар иш-лаб чиқилмоқда?

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш келажакнинг мустақкам асосий пойдевори. Буни ўз шиорига айлантириб олган Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Куролли Кучлар Бирлашган штаби "ZiyoNet" ёшлар маърифий тармоғи билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларни йўлга кириш учун масофали касбга йўналтиришдек хайрли ишга қўл уришни режалаштирмоқда. Бу борада ўқиш ва услубий тайёрлашга йўналтирилган мақсадли ахборот ресурси яратилиб, белгиланган тартибда ҳарбий қисм ва бирлашма-ларда компьютер синфларининг ташкил этилиши бўйича бир қанча ишлар олиб борилаётди. Бундан ташқари, 2006 йил 1 апрелгача олий ўқув юртига тайёрлов курслари, ҳарбий қисмлар кутубхоналари зарур услубий қўлланма ва дарсликлар билан бойитилиши учун шу кунларда махсус рисолаларни нашр этиш борасида мутахассислар ўз ишларини якунига етказишмоқда.

Хизмат юзасидан қўлгина ҳарбий қисм ва бирлашмаларга боришга тўғри кел-ди. Хусусан, эълон қилинган "Ватанпарварлик ойлуги" да ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар билан ўзаро мулоқот ўтказмоқдамиз. Жумладан, Жиззах Марказий ҳарбий округида бўлганимизда аскарларнинг мазкур қарордан нақадар мамнун эканлигининг гувоҳи бўлдик. Қолаверса уларни қизиқтирган масала-лар бўйича савол-жавоблар ўтказиш билан бирга улар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу турдаги қарор ёки қонунларнинг мазмун-моҳия-тини тўғридан-тўғри ва ҳолисона тарғиб этишда шунга ўхшаш самимий мулоқот-ларнинг ўрни беқиёс. Зеро, жонли суҳ-батгина қўтилган самарани беради.



Носир Ҳайдаров олган суратлар

ЧЕГАРАЧИЛАРГА ҲЎ ТОПШИРИЛДИ

Жанубий сарҳадларимиз посбонлари байрам бўсағасида тақдор ва тақдор қувондилар. Улар учун Термиз дарё портида замонавий услубда қурилган, барча қулайликларга эга бўлган 20 хона-ли уй фойдаланишга топширилди.

Турар-жоини қуриб битказиш ва уни зарурий ашё, мебеллар билан жиҳозлаш учун 200 миллион сўм маблаг сарфланди.

Озод Ватанимизнинг муқаддас чегараларини кечачу-кундуз ҳўшёр туриб қўриқлаётган зобит ҳамда аскарлар, шунингдек, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга янги хонадонларнинг қалитлари тантанали равишда топширилди. Ҳўми-лар ва шифокорлар йили аввалида янги хона-донларда ўз байрамларини нишонлаётган чегарачиларимизнинг қанчалик қувонаётганликларини тасаввур этиш қийин эмас.

КИТОБХОН АСКАРЛАР

Сурхондарё вилоятидаги Адиб Собир Терми-зий номидаги универсал кутубхона жамоаси Ҳайратон кўприги яқинидаги Н - қисм чегара-чиларини ўз оталигига олган.

Вилоят кутубхоначилари бир неча йиллардан бери қисм кутубхонасига ташриф буюрадилар ва у ердаги ишларни ташкил қилишда, янги китоблар билан бойитишда, хар хил тадбирлар ўтказишда бош-қош бўладилар. Масалан, дево-рий газеталар чиқариб, китоб курғазмалари таш-кил этишди. Қизиқарли учрашувлар, кечалар ўтказадилар. Шунингдек, ҳарбий қисм кутубхо-насига хар йили янги китоблар совға қилинади. Ўз аъналарига содиқ қолган кутубхоначилар бу йил ҳам чегарачилар кутубхонасига янги ки-тоблар тақдим этишди.

«Туркистон-пресс»

Мен ҳарбий қўшиқчиман

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ

Ўз хизмат бурчини узоқ сар-ҳадларимизда адо этаётган ҳар-бийлар даврасида концертлар ташкил этиш ҳақидаги тақлифни эшитган Барчиной кўнглини се-винч туғуси қоплади. Жангчи-лар ҳузурига вертолётда етиб бо-ришди. Эҳтимол, ўша пайтдаги бу дадиллик унинг санъаткор бўлишидан ташқари, ҳарбийлик либосини кийишига ҳам туртки бўлган бўлса ажаб эмас.

— Мен санъаткорман, шу билан бирга ҳарбий қўшиқчиман, — дейди Барчиной Эштурдиева. — Шунинг учун ҳам юртимиз ўғлонлари, ватан ҳимоячилари даврасида бўлишим, уларнинг оз бўлсада руҳини кўтариб, қувонч улаштириш бурчим, деб биламан. Чунки яхши қўшиқ жанговарлик-ни оширади.

Барча қулайликлар яратилган бадий дасталарда қўшиқ айтиб, концертларда иштирок этиш, эҳтимол, кўпчилик қўшиқчилар-нинг қўлидан келар. Лекин санъ-аткор учун кўпинча чўлу биё-бонларда, тоғу тошлар ичида, ҳарбийча шароитларни ҳис этиб қўшиқ куйлашга тўғри келса-чи? Барчиной бир неча йиллардан буён ватанимиз сарҳадларида ўз йигитлик бурчини ўтаётган чегарачилар ҳузурини кўриб, уларга ўз қўшиқлари билан қувонч ула-тиб келаятган матонатли, иқти-дорли хонадонларимиздан.

Аслида ҳарбий бўлиш унинг ўқувчилик давридаги орзуи эди. Ушанда ҳарбий либос кийиб те-левизорда қўшиқ куйлаётган хо-нандаларга жўда ҳам ҳавас би-лан қарарди. Негадир хаёлан ушаладай бўлгиси келарди. Са-марқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилиб воёга етган Барчинойнинг қалбида санъатга бўлган меҳр, қизиқиши боис ўқувчилик давридаёқ мактабда ташкил этилган ҳаваскорлик тўғрагида фаол қатнашиб, тур-ли танловларда ўзининг қоби-лиятини синаб кўрди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Тошкент маданият институтида тахсил олди. Сўнгра Тошкент санъат олийгоҳининг мусикали драма бўлимида ўз маҳоратини оши-риб, Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Зулайхо Бойхонова, Ҳамидулло Икромовлардан актёрлик ва қўшиқ-чилик сирларини пухта ўрганиш-га ҳаракат қилди.

Театрдаги иши қанчалик ўзига маъқул бўлмасин, болалик дав-ридан унинг қалбини тўлқин-лантириб келаятган ҳарбий қўшиқчи бўлиш орзуси унга тин-члик бермасди. Шунинг учун бўлса керак, чегара қўшинлари-да ташкил этилган ашула ва ракс ансамблига хизматга ўтди.


Барчиной бу ерда хизматни бошлар экан, ўз устида янада жиддий янада катта масъулият




билан ижодий меҳнат қилиб, ўз репертуарини турли ҳарбий қўшиқлар билан бойитиб бор-ди. Ҳозирда у ижро этаётган "Қорақалпоғистоним", "Чегара-чи — ватан посбони", "Наман-ганга борар бўлсангиз", "Лайли зотидан", "Кел-келақол" қўшиқ-ларини нафақат ҳарбийлар, бал-ки барча қўшиқ ихлосмандлари севиб тинглашади.

— Мен ҳарбийлар даврасида қўшиқ айтарканман, уларнинг юз-ларида қувонч ва мамнуликни кўрсам, ўз бурчимни адо этган бўламан. Чунки Ватан ҳимояси, халқимиз оқибатини, юртимиз тинчлигини сақлаб турган ҳар-бийларга қувонч улашадан ҳам ортқ бахт бормикан, — дейди тўлқинланиб Барчиной.

Саккиз қиррали юлдуз тарихий давлатчилигимиз рамзини ифодалайди



Суратларда: «Тиллақори» мадрасасининг пештоқида ва сўғ аскарининг қалқонидида саккиз қиррали юлдуз шакли тасвир-ланган.



2-сурат И. Мўминовнинг «Самар-қанд тарихи» китобининг 1 том 100-бетиде берилган.

Рофи ПАРДАЕВ, ТОУҚБЮ катта ўқитувчиси, захирадаги полковник

Ўзбек халқининг қадимий бой маданияти илдизлари кўхна Хо-разм тарихига боғланади. Атоқ-ли тарихшунос С.Толстовнинг ёзи-шича, эраимиздан аввалги IV - III ми-нги йилликларда Хоразмда одамлар "балиқ тутишган, ов қилишган, ёғоч ва қамишлардан уйлар ясаб яшаган. Бинолар-нинг деворларида халқасимон мўҳрлар, турти чизикли ёзув шак-лидаги расмлар бўлган. Бундай ёзувлар Ёнбошқалъа қазилмала-ридан топилаган". Бронза асри дав-рида воҳода дехқончилик ва чор-ваччилик ривожланган, хунарман-длар сопол идишларга учбурчак, бурчак ва эгри бурчак шаклида безаклар беришган. Бундай шак-лидаги ёзув-чизмалар Тешиққалъа деворларидан топилаган.

Ҳозирги пайтдаги Ўзбекистон ҳарбий унвонини ифодаловчи рамзий саккиз қиррали юлдузнинг

шакли бронза асрига доир бўлиб, Хоразм ҳудудида мавжуд бўлга-ни тарихий манбаларда қайд этилади. Бунлай маълумотлар С. Толстовнинг "Қадимий Хо-разм", В. Авдиевнинг "Қадимий шарқ тарихи", Б. Фофуровнинг "Тожиқлар" К. Тревер ва бошқа-ларнинг "Ўзбекистон халқлари-нинг тарихи" каби асарларда бе-ришган. Бундан ташқари, саккиз қиррали юлдузнинг рамзий шак-ли ҳақида кейинги йилларда чоп этилган "Хева", "Мозийдан та-ларган зиё" номли китобларда, шунингдек, "Фалсафа" комусий лугатининг «зардушт», «зардуш-тийлик» сўзлари шарҳида ҳам қайд этилган.

Илмий адабиётларда ёзилиши-ча, саккиз қиррали юлдуз энг қадимги Шумер-Аққад замонид-да (эраимиздан аввалги туртинчи ми-нги йиллик бошларида), яъни Бобил маданияти ривож топаёт-ган даврда халқ ўртасида ўзига хос рамзий маънони аниқлаб кел-

ган. Ўша даврда шумер ёзувида ҳам "юлдуз" сўзи ушбу саккиз қир-рали белги билан ифодаланган. Бу белгидан аста-секин турли буюм, идиш, ҳатто биноларни бе-зашда фойдаланилган. Шу тарихи саккиз қиррали юлдуз шакли дас-тлаб Хоразмда давлатнинг, ҳар-бийларнинг ва ҳудуднинг рамзий белгисига айланган.

Бу белги кейинчалик давлат мўҳрларига кўчган, шунингдек, мансабдор шахслар даражасини кўрсатувчи махсус унвонга ай-ланган. Рамзий маъно ифодалов-чи саккиз қиррали юлдуз шакли асосан навар ва суворийларнинг камарларида, қурол-ярқларда, ҳарбий уловларнинг эгарларида махсус курсаткич-белги сифатида ақс этган.

Эраимизнинг бошларидан Хо-разм ва унинг атроф-ҳудудларида давлатлар шакллана бошлаши би-лан давлат бошқарув тизимларида саккиз қиррали юлдузнинг рамзий

мазмунини янада кенгайтиб, оммала-шиб борган. Хоразм давлатчилиги орқали саккиз қиррали юлдуз бу-тун Шарқ, жумладан, Ҳиндистон, Хитой, Индонезия ва Шри-Ланка каби мамлакатларга ҳам тарқал-ган. Археологик қазилмаларнинг гувоҳлиги беришича, саккиз қирра-ли юлдуз дастлаб Бесак сифатида чизилган бўлса, кейинча давлат ва қўшиннинг рамзий белгиси тарзи-да қўлланилгани Тешиққалъа, Туп-роққалъа, Кўйқирилганқалъа харо-балардан топилаган манбаларда ақс этирилган.

Саккиз қиррали юлдуз кейинги даврларда ҳам Марказий Осиёда давлат ва қўшиннинг рамзий бел-гиси сифатида ишлатилган. Соҳиб-қирон Амир Темур салтанати дав-рида бинолар хусусан, "Шоҳи зин-да" мавзолеи, "Тўри Амир" мақ-бараси, "Тиллақори" каби мадраса-лар пештоқига чизилган. Шу тарихи, бу рамзий белги Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз, Кўхна Урганч, Хива, Қўқон каби тарихий шаҳарларда қурилган муҳташам иморатларда ҳам аъна тарзида ақс этирилган.

Саккиз қиррали юлдуз ҳарбий унвон курсаткичи сифатида VI-VIII асрдан кейин медал, орден ва бай-роқларда давлатнинг ўзига хос ра-мзий белгиси сифатида қўллана бош-ланди. Мустақиллик даврига келиб бу белги Ўзбекистон гербида, ор-ден ва медалларда, Куролли Кўч-лар зобитларининг ҳарбий унвонларида рамзий аксини тоғди. Хуллас, беш ми-нги йилдан ортқ тарихга эга давлатчилигимиз рамзини ифодалаб келган саккиз қир-рали юлдуз эндиликда Ўзе-бекистоннинг асосий рамзий белгисига айланди. Бу тур-кий халқларнинг қадимий бой маданияти, ўзига хос аънаси, тили, ёзуви узоқ тарихга эгалигидан далолат беради.

Қилмиш-қидирмиш Кўза кунда синмайди...

Кўчқорбой РАҲИМОВ, Турпан туман прокурори, адиля маслаҳатчиси

Илҳом эски таниши Бекмирза билан тасодиф учрашиб қолди-ю, ўзи ёришди. Ахир, у "банг", яъни марихуана топиб бериши мумкин. Хурсанд-чилигидан шоша-пиша ҳамтовогога ёрилди:

- Дўстим, "банг" топиш керак.
- Музаффарда бўлади, — бепарво жавоб берди Бекмирза.
- Қайси Музаффар?
- Ситанов Музаффар бор-ку, "Вазир" ширкат ҳўжалигининг 12-булимида яшайдиган... Ўша то-пиб беради...
- Эндигина йигирма саккиз баҳорни қаршилаган Музаффар бирон бир жойда мўким ишламасди. "Зорикқан" кимсаларга марихуана гиёҳвандлик моддаси топиб беришини ўзига "қасб" қилиб олган эди.
- Кўп ўтмай Бекмирза ва Илҳом Музаффарни излаб топдилар.
- Ҳалиги нарсадан озроқ керак эди...
- Иложи бор, — деди Музаффар, — фақат ҳозир ёнимда йўқ эди.
- Қачон бўлади?
- Бир жойдан олиб келишим керак. Икки соат-

лардан сўнг кўришсак, қўлларингга топшираман.

— Ҳўш, қаерда учрашамиз?

— Мансурнинг чойхонасида. Ўша жой хилватроқ. Айтилган вақтда Музаффар чойхонага етиб келди ва иккала дўстга оқ қогозга ўралган гиёҳ-ванд моддани тутқазди. Эвазига келишилган пул-ни санаб олди. Кўза ҳар куни эмас, кунда син-ди. Музаффарнинг кўзаси ҳам айнан ўша кун-синди. Прокуратура ходимлари у пуллаган гиёҳ-ванд моддаси тўртта бўлакак бўлинган, жами оғирлиги 2,87 грамм марихуана эканлигини аниқлашди.

Халқимизда "Обрўни ёшлиқдан сақла" деган гап бор. Ўз обрўсини ёшлиқдан сақлай олмаган Музаффар Ситанов қора курсига ўтирди. Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 2-қисмига асосан айб кўйилди.

Судья Р.Ражабова раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида жиноятчига уч йил озодликдан маҳ-рум қилиш ҳақида жазо тайинланди. Бироқ у ўз айбига тула иқроор бўлганлиги, қилмишидан пу-шаймон эканлиги инобатга олиниб, жазо Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилган ҳолда икки йилга туширилди ва шартли деб белгиланди. Зора мана шундан кейин марихуана фурушининг ақли кириб қолса!

ТЕЛЕДАСТУЛАР

АРЗОН НАРХЛАРДАГИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ



Pharmed 700132. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ибрат кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 399-55-00 факс: 399-55-88. E-mail: pharmed@globalnet.uz

16 январь, душанба

Table with 6 columns: Uzbekistan, Toshkent, Sport, First, and Russia. It lists TV programs and their start times for the day of January 16th.

17 январь, шанба

Table with 6 columns: Uzbekistan, Toshkent, Sport, First, and Russia. It lists TV programs and their start times for the day of January 17th.

18 январь, chorshanba

Table with 6 columns: Uzbekistan, Toshkent, Sport, First, and Russia. It lists TV programs and their start times for the day of January 18th.

9 январь, пайшанба

Table with 6 columns: Uzbekistan, Toshkent, Sport, First, and Russia. It lists TV programs and their start times for the day of January 9th.

20 январь, жума

Table with 6 columns: Uzbekistan, Toshkent, Sport, First, and Russia. It lists TV programs and their start times for the day of January 20th.

21 январь, шанба

Table with 6 columns: Uzbekistan, Toshkent, Sport, First, and Russia. It lists TV programs and their start times for the day of January 21st.

22 январь, якшанба

Table with 6 columns: Uzbekistan, Toshkent, Sport, First, and Russia. It lists TV programs and their start times for the day of January 22nd.

30 канал

Table listing programs for the 30 channel, including '30 канал' and 'Марказ'.

30 канал

Table listing programs for the 30 channel, including '30 канал' and 'Марказ'.

Муаммо, мулоҳаза ва таклиф

Хориж хабарлари

Фермер манфаати

химояланса даромад мўл бўлади

Феруза ОМОНОВА. Наманган вилоят ҳўжалик суди судьяси

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ҳўжаликларига аграр соҳада асосий ишлаб чиқарувчи тармоқ сифатида эътибор қаратилди.

Фермер ҳўжалиklarining ҳўқуқий химоясини тула таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга.

лари, фермер ҳўжалиklarini қайта ташкил этиш ва тутатиш каби масалалар ўзининг ҳўқуқий инфодасини топган.

Вилоят ҳўжалик суди томонидан 2005 йилнинг ноябрь ҳолатига кўра, 183 та фермер ҳўжалигининг ҳўқуқ ва қонуний манфаатлари химоя қилиниб, уларнинг фойдасига 9 миллион 300 минг сўмлик маблағ ундирилди.

Амалиёт шунинг кўрсатмодоки, кўриб чиқилган низоларнинг 60 фоизи шартнома интизомига амал қилинмаслигиндан келиб чиқмоқда.

мат кўрсатувчи корхоналар турли хил баҳоналари руқан қилиб, маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламайдилар, моддий-техника ресурслари шартномада белгиланган муддатда етказиб берилмайдилар.

Яна бир гап. Юридик химат кўрсатиш талаб даражасида эмаслиги фермер ҳўжалиklarining жадал иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Негаки, сир эмас, бугунги кунда аксарият фермерлар етарли даражада ҳўқуқий, иқтисодий билимларга эга эмас.

ри раҳбарлари билан туманларда мунтазам учув машғулотлари ташкил этилмаган. Айрим фермерлар қишлоқ ҳўжалиги соҳасида етарли иш тажрибасига эга бўлмасдан иш юритмоқда.


Назарий тадқиқотлар натижалари ва қонуларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, бир қатор қонун ҳужжатларини такомиллаштириш вақти етди.

Хулоса қилиб айтганда, фермер ҳўжалиklarining ҳўқуқ ва манфаатлари химояси таъминланиши — қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллидир.

Эпидемия таҳдиди

Аттилер НАЗАРОВА

Сўнгги вақтларда Осиё ва Европанинг қатор мамлакатларида «парранда гриппи» тобора кенг тарқалиб бормоқда.



Боғлиқ вазиятни жиддий назоратга олиш зарурлигини ўқитишмоқда. Касалликка барҳам бериш мақсадида мамлакат раҳбарияти томонидан зарур чора-тадбирлар куриляпти.

ЖССТ вакили Гюнол Родьер «парранда гриппи»ни кўзгатувчи Н5-Н1 вируси одамларга касалланган гоз, ўрдак ва товуқлар орқали ўтганини билдиришмоқда.

Г. Родьернинг фикрича, ҳозир Н5-Н1 генетик жиҳатдан жуда ривожланган. Яъни, унинг ҳавфлилик даражаси ўтган йиллардагига нисбатан анча ортган.

ЖССТ маълумотларига кўра, 2004 йил январдан буён Вьетнам, Таиланд, Камбоджа, Индонезия, Хитой ва Туркияда 145 киши «парранда гриппи» билан хасталанган ва эпидемия 77 кишини ҳаётдан олиб кетган эди.

Банк ўғирлиги авж олмақда

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида банкларни талаш ҳолатлари кўпаймоқда.

Европа банклари федерацияси (ЕБФ) маълумотларига кўра, 2004 йилда ЕИ ҳудудига молия муассасаларига 5 минг 864 марта ҳўжум уюштирилган.

Босқинчилар ўз режаларини амалга оширишда замонавий ўқотар қуроллар ва техника анжомлардан фойдаланмоқда.

Шунингдек, пул маблағларини белгиланган манзилга етказиб берувчи инкассаторларнинг автомобиллари ҳам кўпгаб ҳўжумларга учрамоқда.

Мутахассислар ҳўқуқ-тартибот маҳкамалари яқин вақт оралиғида уюшган жиноий тўдаларнинг зўравонликларига чек қўя олмайдилар, деб ҳисобляпти.

Сўраган эдингиз

Кўшнингиз дўкон очмоқчи... сиз бунга розимисиз?

Кўп қаватли уйда яшайман. Яқинда кўшнинг уйининг ичигади деворни бузиб, дўкон куриш учун тайёрларик кўра бошлади.

Саломат НИЁЗОВА, ТДЮИ ўқитувчиси

Г. ОДИЛОВА, Жиззах шаҳри

Уй-жой кодексининг 24-моддасига биноан, бўй (квартира)нинг мулкдори уй-жой фондини бошқаришда иштирок этиш, уйнинг техник ҳолати, қайта таъмирлаш ишларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилиш, таъмирлаш-фойдаланиш корхоналарини танлаш ҳўқуқига эгадир.

ўзгартириши мумкин эмас. Акс ҳолда у қонун ҳўжжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ва ушбу хонани ўз ҳисобидан аввалги ҳолатга келтириши шарт.

Чунки ўзбошимчилик билан дўкон қилиб таъмирланаётган иморат ўзига ҳок ҳўқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни, бу кўшнларнинг тинчи бузилишига, факуллода турли салбий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кўп қаватли уйдаги квартиранинг мулкдори тегишли рухсатнома олмай яшаш хонаси еки ёрдамчи хонани ноқонуний қайта куриши ёхуд

Жаҳон парламенти

ВАКИЛЛАР ВА МАСЛАХАТЧИЛАР

Япония қонун чиқарувчи органини ташкил этади


Садат тайёрлади

Дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларидан бири Япониянинг икки палатали парламенти бой тарихга эга.

1946 йилда қабул қилинган янги конституцияда суверен қуч халққа тегишлилиги эътироф этилиб, император мамлакатнинг рамазий тимсоли ҳисобланиши ва халқнинг хоҳишига қараб ўз позициясини белгилаши қайд этилди.

Ана шундан буён Вакиллар палатасининг 480 нафар аъзосидан 300 нафари бир ўринли сайлов округидан сайланади, қолган 180 нафари ўн битта блокка бўлинган фуқаролар томонидан сайланади.

Маслаҳатчилар палатасидаги 252 аъздан 100 нафари мамлакатдаги хар бир тумандан пропорционал тизим асосида сайланади.



бўлинмага тўғри келиши мумкин) сараланади. Маслаҳатчилар палатаси аъзоллигига ўз номзодини кўйган шахснинг ёши камида 30 да, сайловчилар эса 20 ёшдан ошган бўлиши керак.

Умуман олганда, Япония ҳўқуқмати юқоридаги схемада яққол кўрсатилган.

Ҳамонки, ижро этувчи орган — Кабинет парламентага бўйсунар экан, мамлакат қонуларига кўра ундаги вазирларнинг деярли ярми парламент аъзоси бўлиши лозим.

сус ҳамда изланувчан кўмиталарда қонун лойиҳалари муҳокама қилинади, кўмита аъзолари ва тегишли мутахассислар ўртасида савол-жавоб ўтказилади, баъзи кўшимча ва ўзгартиришлар кирийтилади.

Маслаҳатчилар ва Вакиллар палаталари бир-биридан мустақил ҳолда фаолият юритади. Бирок, бу фаолият бир-бирига узвий боғлиқдир.

Хуллас, хар бир мамлакат тараққиёти асосида бирдамлик, ҳамжихатлик ётишини айнан Япония парламенти мисолида яққол кўриш мумкин.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, сисёстпунос (Давоми. Боши ўтган сонларда)

“Тарбия афтол” жамияти томонидан Истамбулга юборилган Абдурауф Фитрат 1909-1913 йилларда ўз билимини ошириб, Бухорода фаолиятини бошлади.

XX аср бошларида илғор зиёилар Хива хонлигида ҳам Россия империяси истибодидан қутулиш мақсадида «Ёш хивалиқлар» ташкилотини тузишди.

Албатта, Туркистондаги жараёнлар мустамлакачиларнинг кескин қаршилигига сабаб бўлди.

1917 йили Туркистонда жандарм бошқармасини тузиш, сиёсий таъкибни қучайтиришга доир тақлифлар мажмуасини ишлаб чиқиш учун граф К. Пален раҳбарлигида махсус комиссия юборилди.

Ички ишлар вазирининг топшириги билан бу ташкилот Туркистондаги илғор зиёилар фаолиятини ўрганиш, иғво, фитналар билан миллатлар ва турли халқлар ўртасига низо солиш, миллий ҳаракатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш билан шугулланди.

1917 йил февралда Россияда чоризм ағдарилгандан кейин, Туркистон халқларининг миллий мустақилликка эришишлари учун имкон туғилгандай бўлди.

1917 йил 16 апрелда «Шўрои Исломия»нинг I Умум Туркистон мусулмонлари курултойи ўз ишини бошлади.

Туркистон ўлка шўросининг 1917 йил 12 июндаги мажлисида қабул қилинган махсус нидомга биноан барча мусулмон ташкилотлари, уларнинг шаҳар, уезд, волостлардаги кенгашла-ри депутатлари, қайси миллий ва ижтимоий табақага мансуб бўлишидан қатъи назар, бирлашишлари, барчаси марказий мусулмон депутатлари шўросида бўйсунушлари лозим эди.

лик доирасида фаолият юритадиган, ваколатли умуммусулмон бошқарув органидир, деб баён этилди.

Жадидчилик ҳаракати даставвал Хивада XIX аср охирида юзага келган эди.

1920 йил 20 январда қизил армия қўшинлари Хивага кирган, Жунaidхон томонидан тахтга чиқарилган Сайид Абдулло ҳокимияти барҳам топди.

Шу тариқа большевиклар томонидан Хивадаги жадидлар ҳўқуқига барҳам берилди.

1921 йил 23 сентябрда Бухоро Халқ Жумҳурияти шўроси раиси этиб сайланган жадидчи Усмон Хўжа бошчилигидаги ҳўқуқат билан большевиклар ўртасидаги зиддият қучли эди.

1921 йилда Бухорода жадидлар, қозоқларнинг «Алаш Ўрда» партиялари томонидан узоқ музокаралардан сўнг «Умум платформа» қабул қилинди.

1920 йил 20 январда қизил армия қўшинлари Хивага кирган, Жунaidхон томонидан тахтга чиқарилган Сайид Абдулло ҳокимияти барҳам топди.

Орадан кўп ўтмай жадидлар партиясининг дастурлари вазият таллабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилди.

(Давоми бор)

Тиббиёт

ЭЛ СОҒЛИҒИ ЙЎЛИДА

С.АБДУРАҲМОНОВ, "Адолат" мухбири

Аҳоли саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаз...

Иш сифати ва самардорлиги кўп жиҳатдан муассаса моддий-техника базасининг мустаҳкам...

лион сўмлик жиҳозлар харид қилинди. Тез ёрдам бўлими учун янги бино қуриб берилди.

— Айниқса, қишлоқ аҳолисига юқори даражада тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилияпмиз, — дейди туман марказий шифохонаси бош ҳақими Алижон Мақсудов.

— Малакали ходимлар фаолият юритаётган 21 та ҚВП ишлаб турибди. Бу врачлик пунктлари шинам биноларда жойлашган, замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан тўла таъминланган.

Туманда оналик ва болаликни муҳофаз қилишга ҳам катта эътибор қаратилган. Утган йили туғиш ёшидаги 37 минг нафар аёл тиб-

бий кўриқдан ўтказилди. 2226 нафар чақалоқ силга қарши эмланди. Шунингдек, сил хасталигига чалинган 68 киши ҳисобга олинди ва сил касалликлари шифохонасида ДОТС дастури асосида даволанди.

Тез тиббий ёрдам бўлими биринчи тиббий ёрдам учун зарур ҳисобланган 22 хилдаги дори-дармонлар билан юз фоиз таъминланган. Мавжуд 12 та тез ёрдам машинасига алоқа мосламалари ўрнатилган. Қолаверса, бўлимда тажрибали, қўли енгил шифокорлар, фельдшерлар фаолият юрийапти. Умуман, ҳозир туман тиббиёт муассасаларида 222 нафар шифокор ишлаётган бўлса, утган давр мобайнида шулардан 35 нафари Андижон, Тошкент, Москва, Киев, Тбилиси каби шаҳарларда малака ошириб қайтди. Бу эса туман аҳолиси саломатлигини муҳофаз қилишда ижобий самара бермоқда.



Поитхатимизнинг Юнусобод туманидаги 41-оилавий поликлиника жамоаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида муайян ютуқларни қўлга киритиб келишмоқда.

Тиббий муассаса ҳудуддаги бешта маҳалла аҳлига малакали хизмат кўрсатиш баробарида турли мавзуларда учрашувлар ташкил этишпти. Оилавий поликлиника замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, муолажалар малакали ходимлар томонидан олиб борилади. Шифохона қошида ногирон болаларни соғломлаштириш маркази иш бошлагани, айниқса қувончлидир.

Психолог маслаҳати

Рашк, севги ва ишонч оилада, ишхонада, ҳаётда

Феруза АКРАМОВА, доцент

Оила — энг азиз даргоҳ. Инсон севги ва ўзаро ишонч асосида қурилган оиладагина тўла маънода бахтли бўлади. Шунинг учун кўплаб мутафаккирлар бахтли оила қуришининг шартлари тўғрисида мулоҳаза юритганлар. Масалан, аллома Юсуф Хос Ҳожиб муҳаббат ва севги оилавий бахт ҳамда одамнинг барча муваффақиятларининг гарови, деб ҳисоблаган.

Бизнинг фикримизча, оилавий тотувликка, бахтиёрликка эришиш учун ҳар бир ўғил-қизни оилага таъмирлаш, уларнинг онгига оила муқаддаслиги ва қадри эканлиги тушунчасини шакллантириш зарур. Тўғри, ўспирин ёшдагиларнинг бундай тасаввурга эга бўлиши қийин, албатта. Чунки оила — никоҳ муносабатларининг ўзига хослигини тўла англаб етиш бой ҳаёт тажрибаси ва катта билим талаб этади. Бироқ, шунга қарамай, ёшларнинг никоҳ ёшига етмасдан оиланинг асосий мазмунини ташкил этадиган омилларни тушуна олишлари фойдадан холи бўлмайди.

Турмуш қураётган шахс шунини аниқ билиши керакки, оила тарихий тизим сифатида эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатдир. Никоҳ ёки қариндошлилик муносабатлари орқали умумий ҳўжалик ва ўзаро маънавий жавобгарлик асосида оиладагина бир-бирига боғлиқлик юзага келади. Фақат оиладагина фарзандлар туғилиши ва уларнинг тарбияси масаласи эркин ва табиий ҳал қилинади.

Оилавий ҳаётда ўзига хос турли зиддиятлар, низоли ҳолатлар рўй бериши табиий. Бундай зиддиятларнинг олдини олишда ўзига хос қоидаларга риоя этиш лозим. Қуйида шуларни келтирамиз:

Турмуш ўртоғининг кизиқишлари

ҳамда ишларига ҳадеб аралашманг, унга ишонинг!

Ҳар қандай одамнинг ҳаётда ўз кизиқиши, севимли машғулот бўлади. Бунга бошқаларнинг аралашуви, ҳатто турмуш ўртоғи бўлса ҳам, норозиликни келтириб чиқариши мумкин.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Франция императори Наполеон Бонапартнинг жияни Наполеон III гузал графиня Мария Евгения де Монтхони севиб қолади ва унга уйланади. Хукмдорнинг маслаҳатчилари бу қиз бор-йўғи ҳеч кимга маълум бўлмаган истан графининг қизи холос, деб ўқтиришади. Наполеон III бу гапларга парво қилмай «Хўш нима қилибди? Мен ўзим севган ва хурмат қилган аёлни менга номаълум аёлдан устун кўрдим», деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, Наполеон ва унинг хотинида ҳамма нарса: соғлиқ, бойлик, ҳокимият, шўҳрат, гузаллик, ўзаро сидқидиллик асосидаги муҳаббат бор, шу боис ҳам улар бахтли бўлишлари лозим эди. Минг афсуски, бундай бўлиб чиқмади. Оиланинг бахти кўп ўтмасдан сўна бошлади. Наполеон Евгениянинг ўз эрига нисбатан тирноқ орасидан кир қидириш ода-тидан маҳрум қила олмади.

Евгения шубҳалар гирдобида, рашк ўтида қоврилиб, эрининг ҳатто давлат ишлари билан шугулланиши учун ҳам ёлғиз қолишига имкон бермай қўйди. У Наполеоннинг иш хонасига бостириш кириши, музокараларини барбод қилиш, уни ҳақорат қилишга ҳатто давлат ишлари билан шугулланиши учун ҳам ёлғиз қолишига имкон бермай қўйди. У Наполеоннинг иш хонасига бостириш кириши, музокараларини барбод қилиш, уни ҳақорат қилишга ҳатто давлат ишлари билан шугулланиши учун ҳам ёлғиз қолишига имкон бермай қўйди.

Яна бир тарихий факт. Машҳур ёзувчи Лев Толстой бой-бадавлат киши бўлган. Лекин у бор бойлигини деҳқонларга бўлиб берган, ёғоч қосада овқатланиш, чипта қовуш қийиш, ўз хонасини ўзи йиғиштириши одат қилган. Буларнинг ҳаммасига хотинининг бойликка ўчилиги, пул, зеб-зийнатни яхши кўриши сабаб эди. Оқибатда 82 ёшли ёзувчи совуқ

октябрнинг қорли тунисида уйдан чиқиб кетади ва 11 кундан кейин кичкина темир йўл станциясида вафот этади. Хотинининг эса қизларига айтгани "Оталарининг ўлимига мен сабаб бўлдим", деган армонли сўзлар эди.

Хулоса шуки, агар оилавий бахтинингизни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, турмуш ўртоғингизга шубҳа билан қараманг, унга ишониб, ўз фаолияти ва кизиқиши билан машғул бўлишига далда беринг.

Севинг ва бошқага ҳам яшашга имкон беринг!

Ҳаётда шундай ҳолатлар бўладики, эр-хотин муносабатларида эътибор, гамхўрлик ва ҳушмуомалалик севги, муҳаббатга нисбатан устун келади. Масалан, турмуш ўртоғини ишдан келганида аёл киши майин табасму билан кутиб олса, эртасига у оиласига янада кўпроқ талпинида, ўзида психологик жиҳатдан кимгадир кераклилик ҳиссини туяди.

Англиялик Дизраели шундай деган экан: "Эҳтимол, мен ҳаётимда кўп хатога йўл қўйишим мумкиндир, лекин мен ҳеч қачон севиб турмуш қурмайдим". Ушундай ҳам қилган. 35 ёшида ўздан 15 ёш катта бева аёлга фақат бойлиги учунгина уйлانган. Бир қараганда, бу қандайдир бачканаликдек туюлади, лекин уларнинг 30 йиллик ҳаётида бу аёл фақат эри учун яшаган.

Мери Энн — аёлнинг исми-шарифи шундай эди — кўп нарсасига қувви йўқ, лекин эрига муомала қилишда ниҳоятда эътиборли эди. У 30 йил давомида фақат эрини мақташ, кўқларга кўтаришдан чарчамади. Уз на-вбатида Дизраели ҳам ҳаётидаги энг қимматбаҳо нарса хотини эканлигини яширмасди.

Демак, оилавий бахтга эришиш йўлида эр-хотиннинг бир-бирига эътиборли, гамхўр бўлиши бориб-бориб муҳаббатга ва севгига айланишига асос бўлар экан. (Давоми бор)

Хотира

Фидойи инсон эл қалбида яшайди


Олим ҲАКИМОВ, "Адолат" мухбири

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидан улуг алломалар, шоиру фозиллар, зиёлилар, ер билан тиллаша оладиган соҳиби деҳқонлар етишиб чиққан.

Жамшид Ашуров ҳам шу қутлуг заминда зиёли оиласида дунёга келди. Урта мактабни тугатгач, 1973 йили Тошкент халқ ҳўжалиги институтига ўқишга кирди. Олийгоҳни муваффақиятли тамомлаб, иш фаолиятини Самарқанд шаҳридаги Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалида илмий ходимликдан бошлади. Ана шу даврда Жамшид Ашуров ўзининг тиниб-тинчимаслиги, изланувчанлигини кўрсатди, эл-юрт назарига тушди. Бу эса ўз навбатида унга ҳаётнинг қайноқ нуқталарида ишлашга кенг йўл очиб берди. У қатор йиллар давомида Тайлоқ туманидаги ҳўжалиқлараро ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш корхонаси, бошқа ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлади. Фидойилик, эл-юрт дарди билан яшаш, ҳалол меҳнат инсонни улғайди, уни эзгу ишларга етаклайди. Жамшид Ашуров ўзи тугилиб вояга етган Тайлоқ тумани оқсоқоллари ва фахрийлари тақлифи билан 1999 йил 27 январда халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида туман ҳокими ла-

возимига тайинланди. Қаерда ва қайси лавозимда ишласин, доимо бирон-бир хайрли юмушни бошлашдан олдин кўпни қўрган пиру бадавлат отахонлар маслаҳатида кулоқ тутиб иш кўрди. Шунинг учун ҳам туманда раҳбарлик қилган йиллари сабзавотчилик, узумчилик, боғдорчилик, галлачилик соҳаларини ривожлантириш борасида фахрланса арзигулик ютуқларга эришилди. Шу билан бирга маданий-маиший иншоотлар қуриш, ободонлаштириш ишлари ҳам юқори суръатларда олиб борилди. Тумандаги саховатпеша ҳомий ташкилотлар ёрдамида "Богизагон", "Жумабозор", "Кўшчинор", Амир Темур ва Саидназаров номида ширкат ҳўжалиқлари марказида ҳар томонлама қулай ва замонавий ёшлар спорт иншоотлари қад ростлади.

Дарҳақиқат, Жамшид Ашуров ҳақида гап кетганда туман аҳли унинг фидойилиги, доимо эл дарди билан яшаб ўтганлигини фахрифтор билан тилга олишади. Охирати обод бўлсин, дея дуога қўл очишади. Халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати, яратган бог-роғлари бугун кўпчиликка асқотаётганидан фахрланишади.



МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДИЛИК: Шеробод кулолчилик санъати тўрт минг йиллик тарихга эга. Кейинги пайтларда миллий хунармандчиликнинг бу турини янада ривожлантириш мақсадида туманда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қурилиш халқ хунармандчилиги касб-хунар коллежининг очилиши бунинг ёрқин намунаси-дир.

Коллеж 350 ўринга мўлжалланган бўлиб, жорий йилнинг ўзида 180 нафар ўқувчи қабул қилинди. Халқ хунармандчилигини ўзида мужассам этган ўқув даргоҳидаги зардузлик, ўймакорлик, ганҷкорлик, кулолчилик ишлари кишини беварқ қолдирмайди. Ботир Пардаев ана шу даргоҳнинг севимли мураббийларидан бири. У 25 нафар ёшларга кулолчилик санъатининг сир-асрорларидан сабоқ бериб келмоқда.

Суратларда: коллеж хунармандлари томонидан яратилган санъат асарлари акс этган.

Спорт

Рустамнинг янги ғалабаси

Бойр Бек



Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов янги йилни ғалаба билан бошлади. Эстония пойтахти Таллин шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда иштирок этган ўзбекистонлик гроссмейстер юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Нуфузли турнирнинг саралаш босқичида эллик нафар шахматчи дона сурди. Уларнинг ўн нафари финалда голиблик учун ўзаро куч синашди. Мусобақада тўққиз имкониятдан еттидан очко жамгарган уч нафар гроссмейстер — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, 12-жаҳон чемпиони Анатолий Карпов (Россия) ва Украина вакили Василий Иванчук биринчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда етти имкониятдан 5,5 очко жамгарган латвиялик шахматчи Ильзе Берзиня ғалаба қозонди.

Кучли зарба Ва накаут

Ўзбекистонлик ўта оғир вазнли енгилмас профессионал боксчи Руслан Чагаев Германиянинг Мюнхен шаҳридаги «Die Kulturhalle» спорт мажмуида тажрибали чарм қўлқоп устаси Роб Кэллоуэга қарши навбатдаги рейтинг жангини ўтказди.

Кўпчиликнинг эътиборини қозongan жангда Руслан Чагаев рақибидан кучли эканлиги исботлади. Беллашувни кескин ва қақшатқич ҳўжумлар билан бошлаган ҳамюртимиз ўн раундга мўлжалланган жангнинг иккинчи раундида ғалабага эришди. Кучли зарбалардан сўнг ерга қулаган америкалик Роб Кэллоуэ ҳақамнинг саногии тугагунча ҳам ўрнидан туролмади. Шундай қилиб, Руслан Чагаев йиғирмата учрашувдаги ўн тўққизинчи ғалабасини нишонлади. Натижада боксчимиз ўта оғир вазндагилар рейтингида 48-пононага кўтарилди.

2006 йилги мавсумни ғалаба билан бошлаган Руслан Чагаев навбатдаги жангини 11 март куни Германиянинг Гамбург шаҳридаги «Color Line Arena» спорт мажмуида ўтказди. Ҳозирча ҳамюртимизнинг рақибни аниқ эмас.



Тайсон Темур секундантти

Профессионал бокс бўйича мутлоқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон ўзбек йиғитига секундантлик қилади. Бу ҳақда ўта оғир вазнли боксчи Темур Иброҳимовнинг мураббийи Панама Льюис журналистларга берган интервьюсида маълум қилди.

Майк Тайсон шу йилнинг 24 февраль куни АКШнинг Ҳолливуд шаҳрида жойлашган «Seminole Hard Rock Arena» спорт мажмуида ўтказиладиган жангда Темур Иброҳимовни рингга олиб чиқади. Айни пайтда «Темир Майк»нинг бу қарори дунёнинг турли бурчакларидаги бокс мухлислари ва мутахассислари баҳс-мунозараларининг бош мавзусига айланган.

Айтиш жоизки, Майк Тайсоннинг Темур Иброҳимов билан ишлашга бел болагани бежиз эмас, албатта. У ўз даврининг энг зўр боксчиси Панама Льюис ва унинг шогирдлари — ҳамюртимиз Темур Иброҳимов ва россиялик Султон Иброҳимов билан дўстона муносабатда. Утган йили профес- сионал боксга қайтишга уринган Майк Тайсон Буюк Британия вакили Дэнни Вильямсга қарши ўтказиладиган жангга тайёрланиш учун Темур Иброҳимовни спарринг-рақиб сифатида танлаган ва ўзбек йиғити билан бирга машғулотларда анча тер тўқкан эди.

24 февраль куни ўзбек боксчиси Темур Иброҳимов америкалик Томас Хэйес билан куч синашади. Ҳар икки боксчи ҳам маҳорат ва тажриба бобида бир-бирига муносиб рақиб ҳисобланади. Албатта, бўлажак жанг илк маротаба секундантлик қиладиган Майк Тайсон учун ҳам жуда аҳамиятли. Чунки Томас Хэйес профессионал бокс сир-асрорларини Майк Тайсоннинг собиқ устози Кевин Рунидан ўрганмоқда. Профес- сионал боксда 58 жангдан 50 тасида голиб чиққан Майк Тайсон эса устозига мураббий сифатида ҳам юксак чўққиларни забт этиши мумкинлигини исботлаш ниятида.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгашининг ижтимоий-сийёсий газетаси

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Тахрир хайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИКОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14; Факс — 133-41-89; Котибият — 136-55-96; Сийёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89; Хатлар бўлими — 136-55-64; Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39; Иқтисодий ва санъат бўлими — 136-54-39; Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Д. Жозилов; Навбатчи — Н. Ҳайдаров; Мусахҳиҳ — Н. Мухомимова; Саҳифаловчи — Л. Турсунов

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахрир рўхсати билан амалга оширилади. t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 300 Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган Қоғоз бичими А-2. Адади — 1897

Нашр индекси — 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди —